



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 199 (12.010)

Баҳоси эркин нарҳда

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармонига мувофиқ Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салохиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Азизова Муборак Яхьяевна — Олмазор туманидаги 298-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимида замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотланди:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Якубов Бахтиёр Далиевич — Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Ходжаева Махтума Зиятовна — Учтепа туманидаги 287-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

«Дўстлик» ордени билан

Литвинова Ольга Ивановна — Ҳамза туманидаги 166-умумий ўрта таълим мактаби директори

«Шухрат» медаллари билан

Каюмова Зухриниса Рашидовна — Юнусобод туманидаги 498-мактабгача таълим муассасасининг мусика раҳбари

Муратбекова Рамзия Хайриевна — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Расулова Феруза Юсуповна — Сергели туманидаги 21-болалар мусика ва санъат мактаби дутор синфи ўқитувчиси

Сатибалдиев Бахтияр Махмудович — Олмазор политехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Умарова Машрабхон Ахмадовна — Яккасарой туманидаги 144-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

1 октябрь – Ўқитувчи
ва мураббийлар куни



ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

Мамлакатимизда устоз ва мураббийлар қадимдан шарафли касб эгалари сифатида улуғланган, эл-юрт эъзозидан бўлган. Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бошлаб

1 октябрь Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида ҳар йили кенг нишонланмоқда. Бу давлатимиз томонидан соҳа ходимларига бўлган алоҳида эътибор, ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром рамзидир.

Дарҳақиқат, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишда заҳматкаш устозларнинг муносиб хиссалари бор, албатта. Айтиш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ёш авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган, замонавий билим ва тажрибани эгаллашга қодир инсонлар этиб тарбиялаш, уларни жамиятимиз ҳаётининг ҳал қилувчи кучига айлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг «Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат чароғбонидир» деган ҳикматли сўзларида ҳам чуқур маъно мужас-

самдир. Зеро, муаллим – ҳаёт йўлининг сарбони, ёш авлод боғбонидир. Халқимизда «Устоз – отангдек улуг» деган нақл бежиз айтилмайди.

Меҳри дарё, ғамхўр ўқитувчи-устозларни ардоқлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш азалий қадриятларимиздан бўлиб, бу истиқлол йилларида яна ҳам янги маъно ва мазмун касб этди. Юртимизда таълим тизимини тубдан ислох этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ушбу соҳага изчиллик билан татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги таълим масканларини барпо этиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини му-

стаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминлаш имконини бермоқда. Бугунги кунда юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси, аъло ўқиши, келажакда қилган ишлари билан таъминлаш имконини бермоқда. Бугунги кунда юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси, аъло ўқиши, келажакда қилган ишлари билан таъминлаш имконини бермоқда. Бугунги кунда юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси, аъло ўқиши, келажакда қилган ишлари билан таъминлаш имконини бермоқда. Бугунги кунда юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси, аъло ўқиши, келажакда қилган ишлари билан таъминлаш имконини бермоқда.

Дилором ИКРОМОВА

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Пойтахтимизда «Сиёсий модернизациялаш жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Банк-моллия академиясида 2010 йилда Ўзбекистонда микромолиялаштириш соҳаси таҳлили ва қиёсий кўрсаткичи бўйича миллий ҳисоботнинг тақдироти бўлиб ўтди. Республика Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банки ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Микрокредит ташкилотлари ва кредит уюмлари миллий ассоциацияси, тижорат банклари мутахассислари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Мамлакатимизда ўтказилаётган аънавий «INFOCOM – 2011» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида «ICTExpo-2011» аънавий миллий ахборот технологиялари кўргазмаси иш бошлади.

● Пойтахтимизда таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш бўйича тажриба-тадқиқот ишлари натижаларига бағишланган республика ўқув-семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда таълим соҳаси раҳбарлари, илғор ўқитувчилар, оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● Самарқанд шаҳридаги Чорсу галереясида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган «Устоз ва шогирд» кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги Самарқанд вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқитувчи ва ўқувчиларининг 300 дан ортиқ ижодий ишлари намойиш қилинмоқда.

ЖАҲОНДА

● Хитойда Шанхай метросида рўй берган йирик ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда. Маълумотларга кўра, 2 та поезднинг тўқнашиб кетиши оқибатида 270 нафардан зиёд йўловчи жароҳатланган бўлиб, улардан 20 нафарининг аҳволи оғир. Ер остида қамалиб қолган 500 нафардан зиёд одамлар туннеллар орқали бошқа станцияларга эвакуация қилинган.

● Париж шаҳри яқинида ўзига хос меҳмонхона иш бошлади. Унинг хоналари шар шаклида бўлиб, шаффоф материалдан тайёрланган. Лойиҳа муаллифи — таникли дизайнчи Пьер Дюманнинг таъкидлашича, бунда ётоқхона тун чоғида юлдузли осмонни томоша қилишни истаган кишилар учун мўлжалланган. Уларда дам олиш кулай, хонанинг ичига совуқ ва шамол қирмайди. Ётоқхона нархи анчагина қимматга тушса-да, ҳозирда Франциядаги бир қанча йирик компанияларнинг раҳбарлари ана шундай хоналар тайёрлаб бериши учун дизайнчига мурожаат қилишмоқда.

● АҚШнинг «Боинг» корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган «Боинг-787» русумли биринчи йўловчи самолёти Япониянинг «All Nippon Airways» авиакомпаниясига сотилди. Мазкур лайнер жорий йилнинг 26 октябрдан япон авиакомпаниясида рейсларни амалга ошириб, Токио ва Хиросима шаҳарлари орасида парвоз қилади. «Орзулар қаноти» деб номланган мазкур ҳаво кемаси 290 йўловчига мўлжалланган. Ҳозирда дунёдаги 50 дан ортиқ авиакомпания шундай самолёт учун буюртма берган.

● Кениялик спортчи Патрик Макау узоқ масофага югуриш бўйича жаҳон рекордини янгиллади. У Берлин шаҳрида ўтказилган марафон мусобақасида 42 километрлик масофани 2 соат 3 дақиқа 38 сонияда босиб ўтди. Макау 2008 йил сентябрда марокашлик спринтер Хайла Гебеселасе ўрнатган жаҳон рекордини 21 сонияга янгиллади.

ҚИСҚА САТЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мураббийларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Миллий матбуот марказида «Миллий маданият ва санъатнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш чора-тадбирлари, муаммо ва ечимлари» мавзуидаги анжуман ўтказилди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги 122-мактабда «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» муносабати билан «Сизга таъзим, сизга эҳтиром, азиз устозлар!» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ОЛМАЗОР** туманидаги Мирзо Ғолиб маҳалласида ёшлар тарбиясига бағишланган «Аждодларига муносиб авлод» мавзуида ўтказилган маънавий-бадий кечада кўплаб соҳаларда ютуқларга эришган ҳамшаҳарларимиз иштирок этишди.

Куала-Лумпурда Ўзбекистон - Малайзия ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор бўлган Малайзия ишбилармон доиралари, йирик бизнес уюшмалари ҳамда кўплаб хусусий компанияларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Амалий ва дўстона муҳитда ўтган мажмуа бизнес анжумани чоғида тадбир қатнашчилари республикамизнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури, мамлакатимиздаги мавжуд сармоявий муҳит, шунингдек, улкан сайёҳлик салоҳиятига оид тўлақонли маълумотлар билан атрофлича танишдилар.

Шунингдек, «Навий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди доирасида бизнес олиб боришнинг қулайликлари ҳамда истиқболлари, дори-дармон саноати, электротехника, кимё, автомобилсозлик, нефть-газ, енгил саноат, таълим ва сайёҳлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг афзалликлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Анжуман иштирокчиларини қўлар экан, «Perdasama» компаниясининг президенти Муҳаммад Иззат Амир Ўзбекистон иқтисодиёти замонавий босқичда ўсувчан ривожланишни намён этаяётганини таъкидлар экан, «олиб борилаётган ислохотлар ва мамлакатнинг ўзи танлаган тараққиёт модели бунга замин бўлаётир», деди.

Ушбу бизнес анжуманига Малайзия ишбилармон доиралари катта аҳамият кўрсатаётганини қайд этар экан, у икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаш-

турфа осори-атиқалари билан унда унутилмас таассурот қолдирган.

С.Шантакумар тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон бўйлаб сафари чоғида Ташқи иқтисодий алоқалар, сармоялар ва савдо вазирлигида,

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Малайзия сармояси иштирокидаги 20 та корхона фаолият олиб бораётган бўлса, улар орасидаги 3 та корхона юз фоиз Малайзия маблағи асосида иш юритаётир.

Ташқи иқтисодий алоқалар, сармоялар ва савдо вазирлигида 6 та Малайзия компаниясининг ваколатхонаси рўйхатдан ўтган бўлиб, улар нефть-газ конлари ва улардан фойдаланиш, қидирув-разведка ишлари, савдо-воситачилик фаолияти ҳамда ахборот технологиялари соҳасида маслаҳат хизматини кўрсатиш билан шуғулланади.

Бизнес анжуманининг яқунлари шундан далолат бердики, Малайзиянинг ишбилармон доиралари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, нефть-газ-кимё, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноатини ривожлантириш, электротехника, дори-дармон ҳамда сайёҳлик соҳаларида ўз маблағи иштирокидаги қўшма корхоналари барпо этиш юзасидан жиддий қизиқишга эгадир.

«Жаҳон» АА
Куала-Лумпур

КУАЛА-ЛУМПУРДАГИ АНЖУМАН САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНДИ

тириш мақсадида мана шундай учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб туриш бениҳоя зарур эканлигини таъкидлади.

Яқинда Ўзбекистонда бўлиб қайтган Малайзиядаги уюшган ҳинд савдо палатасининг вице-президенти С.Шантакумар, мамлакатимиз улкан сайёҳлик салоҳиятига эга эканлигини айтди. Унинг сўзларига қараганда, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент сингари қадимий шаҳарлар бетақдор тарихий меъморий ёдгорликлари ва

Савдо-саноат палатаси, Молия вазирлиги ҳузурлидаги Республика йўл жамғармаси ҳамда қатор хусусий компанияларда самарали музокаралар олиб боргани хусусида маълумот берди.

Кези келганда шуни ҳам қайд этиш жоизки, сўнгги беш йил ичида мамлакатларимиз ўртасидаги товар алмашувлар ҳажми йил сайин барқарор равишда ўсиб бормоқда. 2010 йил яқунлари бўйича у 72 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор келажакимизнинг муқаммал ва мустаҳкам бўлишига катта замин яратмоқда. Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида замонавий технологияларга эҳтиёж сезмоқдамиз. Бундай эҳтиёжларни қондириш йўлида, айниқса, интернетнинг ўрни ва аҳамияти беқийс.

ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛЬ ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Шуни назарда тутган ҳолда мамлакатимизда 2001 йилдан бошлаб «InfoCom-2011» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги аънаваный тарзда ўтказиб келинади. Бу йил ҳам аънанадан четлашмаган ҳолда ушбу интернет-фестиваль ташкил этилди ва фестивал сўнггида UZ миллий домени интернет-фестивали гойибларини пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон маданияти» ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ташаббускор ёшлар маркази, UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ва infoCOM.UZ журнали билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу маросимда юртимизнинг барча ҳудудла-

рида интернетни жорий этиш ҳамда ундан аҳолининг кенг қатламларининг фойдаланишини таъминлаш ҳақидаги гоёлар асос қилиб олинди.

Ушбу интернет-фестивали мамлакатимизда Миллий доменининг ривожлантириш мақсадида 2007 йилдан буён Миллий UZ домени интернет-фестивали сифатида ўтказиб келинмоқда. Бу йилги танлов дастури 14 мавзули ва 2 махсус номинацияни ўз ичига олди. Ташкилотчилар томонидан 2 та янги — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги энг яхши» ва «Энг яхши мавзудаги сайт» номинациялари киритилди. Ҳар бир номинацияда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар берилиб, диплом ва совринлар тақдим этилди. Ҳакам-

лар ҳайъати томонидан танлов дастуридаги мавзули ва «Фестивалнинг очилиши» махсус номинацияси бўйича гойиблар аниқланди. Бундан ташқари, Интернет-фестивалда 15 та йўналишда иштирок этган сайтларга WWW.UZ қидирув тизимининг махсус ажратилган совринлари берилди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бу йилги тадбирда қатнашиш учун жами 1000 дан ортиқ аризалар келиб тушган. 749 та сайт эса танлов дастури иштирокчилиги айланди. Ташкилотчилар томонидан 749 та сайтдан 52 фоизи фестивалда биринчи бор қатнашганлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан фестивалнинг биринчи турлари овоз бериш натижаларига асосан 148 та сайт финалга чиққанлиги аниқланди ва уларга фестивал совриндори дипломи топширилди, иккинчи турда эса овоз бериш натижаларига асосан гойиблар аниқланди.

Нигора ТҮЛАГАНОВА

Тадбирлар

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

Миллий матбуот марказида истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида вазифалар ва эришилган натижалар сарҳисоби» мавзусида бағишланган ушбу тадбирда мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган етарли қўнунчилик базаси яратилганлиги, мустақиллик йилларида юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари катта эътибор қаратилаётгани ҳақида айтиб ўтилди.

Бугунги кунда юртимизда 5100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритмоқда. — дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раиси Акром Мирзаёзов. — Булардан энг йирик ташкилотлардан бири Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳисобланади. Унинг тизимида 14 та ҳудудий бирлашма, 194 та туман (шаҳар) жамиятлари, маҳаллаларда, корхона, ташкилот ҳамда ўқув муассасаларида 9 мингдан ортиқ таянч гуруҳлари фаолият юритмоқда. Улар таркибидеги аъзолар сони 444 мингдан ортиқдир. Жорий йил ҳисобидан ташкилот томонидан аҳоли ўртасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ишлаб чиқилган қўнун-қоидаларни тушунтиришга қаратилган олти мингга яқин тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан истеъмолчилар учун турли қўлланма ва қўнунлар тарғиботи оид буклет, плакатлар чоп этилгани айтиб ўтилди. Хусусан, «Товар ёрликлари ва штрихли кодлаш», «100 саволга — 100 жавоб», «Истеъмолчи ва дори-дармон», «Ногироннинг ҳуқуқлари», «Почта алоқасидан оқилона фойдаланиш», «Тиббий хизмат ва истеъмолчи ҳуқуқлари» каби ўнга яқин номдаги услубий қўлланмалар нашрдан чиқарилганлиги ва уларнинг самараси таъкидлаб ўтилди.

Тадбир давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига мутасаддилар томонидан батафсил жавоб олдилар.

Равшан ЮНУСОВ

Миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан соғлом авлодни тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги устувор вазифалар, ёшларни иллатлар ва зарарли одатлардан ҳимоя қилишнинг самарали механизмларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Камолот»

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ

«Камолот» ЁИХ йигит-қизлар келажаги, Ватанимиз равнақини тараққий топтириш йўлида мана ўн йилдики бир қатор тадбирларни амалга ошириб, кўплаб ёшларни ўз атрофида жамлади.

Албатта, Ҳаракат томонидан озод ва фаровон мамлакат авлодини ҳар жиҳатдан камол топтириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар амалда ўз натижасини кўрсатмоқда.

Хусусан, «Биз ёшлар — соғлом турмуш тарафдоримиз», «ОИВ/ОИТС нима?», «Соғлом турмуш асослари», «Гиёҳвандлик — умр заволи», «Соғлом келажак сари», «Истиқлол фарзандлари», «Соғлом турмуш тарзи — сизнинг тасаввурингизда» мавзуда расмлар танлови ва бошқалар шулар жумласидандир. Йил давомида ўтказиб келинаётган бу каби тадбирларда ҳозирга қадар 800 та тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилиб, уларда 1505 минг нафардан ортиқ ёшлар

қамраб олинди.

— Соғлом турмуш тарзи деганда нафақат тиббий ёки jisмоний тарафлама мустаҳкам ҳаёт кечирини тушунишимиз керак, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев. — Бунда ҳам маънан, ҳам маданий ҳаёт тарзини олиб бориш тушунилади. Бу борадаги ишлар асосан икки йўналиш — ёшларни спорт-соғломлаштириш лойиҳаларига кенг жалб этиш ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари орқали амалга оширилмоқда. Хусусан, Ҳаракат томонидан «Менинг оилам», «Сиз тарихни биласизми?», «Экологик маданият нима?», «Оилам билан фахрланаман», «Оиламда соғлом турмуш тарзи асосларида яшаймиз», «Комилликка интилам! Сенчи?», «Покликка интил», «Баҳор маликалари», «Камолот-TUR» каби ёшлар фестиваллари, музейларга саёҳат, ҳуқуқ, хорижий тилларни ўрганиш борасидаги билимларни оши-

ришга қаратилган минглаб тадбирларни амалга оширишда ва бунда ёшлар фаолигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шунингдек, Ҳаракатнинг туман бўлимлари қошида Ёшлар ижтимоий хизматлар марказлари беминнат фаолият олиб бораётир. Унда барча ҳудудларда истиқомат қилувчи 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ўзлари истаган йўналишда ўқи, таълим олаётирлар. Мактаб, коллеж, лицейларда мутахассислар билан биргаликда лойиҳалар доирасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Хорижий мамлакат ташкилотлари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилган алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йил якунига қадар оқумли касалликларга қарши кураш бўйича Ҳаракатнинг Глобал Фонди билан ҳамкорликда 20 мингга яқин ёшлар учун «Тенгдош-тенгдошга» услубида семинар-тренинглар ўтказилиши режалаштирилган. Бу каби тадбирлар ва бугунги матбуот анжуманини ўтказишдан мақсад ҳам «Камолот» ЁИХ томонидан йигит-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашга қўмаклашиш, соғлом оилани шакллантириш, спортга муҳаббатини ошириш, уларни гиёҳвандлик, кашандалик ва ичкиликбозлик каби зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш масалаларига қаратилган тизимли ишларни замонавий йўл билан кенг жамоатчиликка етказишдан иборат.

Тадбирда хориж ахборот агентликлари журналистлари ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари ушбу масалани тарғиб этишга доир истиқболдаги лойиҳалар борасида маълумотлар берилди ҳамда мавзу юзасидан билдирилган тақдирлар атрофлича таҳлил этилди.

Садокат АСЛАНОВА

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ СПОРТ ТОВАРЛАРИ

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шaroитлар бoис маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кўплаб сифатли маҳсулотлар қаторида спорт кийимлари ва пойабзаллари, инвентарлар, ускуна ва тренажёрлар тайёрланмоқда.

«Asia Sport-S» фирмаси ҳам шундай ишлаб чиқарувчилардан ҳисобланади. «Адмирал» компаниясининг расмий вакили сифатида 1995 йилдан фаолият кўрсатаётган фирмада ҳозирги кунда 54 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Спортнинг гимнастика, бокс, бадминтон, шахмат, шашка ва бошқа турлари учун товарларни фирма нафақат республика бўйлаб, балки айни кунларда Қозоғистон ва Туркманистон давлатларидаги ҳамкорлари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

— Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга берилаётган эътибор, спорт объектиларини қуриш, спорт инвентарлари ва асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш борасида амалга оширилаётган улкан ишлаб давлатимиз раҳбарининг ёш авлодини тарбиялашга қаратилган ва пухта ўйланган сиёсати самарасидир, — дейди «Asia Sport-S» фирмаси директори Саидхамид Камолов. — Илгари мамлакатимизга деярли барча турдаги спорт ашёлари четдан келтирилган бўлса, бугун уларнинг аксарияти ўзимизда маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқарилмоқда. Юртбошимизнинг ташаббуси билан бу борада амалга оширилаётган комплекс ишлар спортни жадал ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, жойларда спорт иншоотларини ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ҳамда арзон спорт товарлари билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Сўнгги йилларда МЧЖда футбол дарвозаларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир маҳсулотни тайёрлашда аввало харидор талаб-эҳтиёжини ҳисобга олиш керак эканлиги ҳақида янги маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобида қўшимча иш ўринлари яратиш эзгу мақсад қилинган.

«MEGAMIX» — ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

Йилдан йилга ички бозоримиз сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан тўлдирилмоқда.

Импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқариш учун корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўттиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишнинг тизимли тарғибот хизмати қилади, корхона мутаваффиқлигини таъминлайди.

«DEKS» масъулияти чекланган жамиятида ҳам замонавий, хорижий дастгоҳ ва ускуналар ўрнатиш самарасини бериб маҳсулот турларини кўпайтиришда, ишлаб чиқариш ҳажминини оширишда, муҳими, сифатини таъминлашда асосий мезон ҳисобланади. Сувлни эмалсия ва қуруқ қоримсалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ўз маҳсулотлари билан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўрнини топишга интилятаганилиги бoис, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда.

2003 йилда фаолиятини бошлаган корхона бугунги кунга келиб, сафларида 60 нафар малакали ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. «Megamix» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари эндиликда ISO 9001:2009 халқаро сифат стандартларига мувофиқлик сертификатларига эгаллиги билан ажралиб туради. Замон билан ҳамнафас жамият мутаваффиқлигини таъминлашда хориж бозорини ҳам чуқур ўрганади. Иزلанишлари меваси сифатида ўтган — 2010 йилда корхона Халқаро сифат ёрлигини қўлга киритди. Ун икки турдаги қоримсалар экспорти ҳам йўлга қўйилди. Масалан, ҳозирда Қозоғистон, Туркманистон, Афғонистон ва Россияга экспорт қилинапти. Ушбу жамиятда 500 минг АҚШ долларлик маҳсулот четга чиқарилаётган бўлса, янги лойиҳалар асосида экспорт ҳажми бир миллион доллардан зиёди ташкил этиши кўзда тутилган. Жорий йил охиригача қурилиш ашёлари 25 турга етказилиши, 50 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ТАЪМИНЛАНДИ


Мамлакатимизда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уларнинг турларини кўпайтириш, сифатини ошириш ҳамда экспорт қилишни етказиб беришни кенгайтиришга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

«Металл-Газ» масъулияти чекланган жамиятида ҳам мана тўққиз йил мобайнида саноат газ жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Асосий эътиборни ўз маҳсулотининг сифатига қаратган ҳолда меҳнат қилаётган 22 нафар малакали ишчи-хизматчилар ҳозирда 8 турдаги стандарт газ тақсимлагич жиҳозлари ишлаб чиқармоқда. Янги лойиҳалар асосида корхонани босқичма-босқич модернизация қилиш эзгу мақсад қилинган.

Ички бозорни чуқур ўрганиш ва изланиш, бор имкониятлардан оқилона фойдаланиш туфайли мажмуа жамият сезиларли ютуқларини қўлга киритмоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлса, 2009 йилда корхонада 594 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачига етказиб берилган бўлса, 107 миллион сўмдан зиёд соф фойда олган. 2010 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 миллиард 480 минг сўмни ташкил этди. Қувонарлиси, «Металл-Газ» МЧЖ жорий йилда 2 миллиард сўмлик харидоригир маҳсулот тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб беришга астойдил бел боғлашган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

— Давлатимиз томонидан ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани иқтисодиётимиз равнақига хизмат қилмоқда, — дейди корхона раҳбари Абдувоҳид Абдушукуров. — Тармоқ ва тармоқлараро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётган корхонамизда замон талабига мос рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ортиб, кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконияти кенгайтирилди. Она еримизнинг бебаҳо бойлиги бўлган табиий газдан фойдаланувчи республикамиз бўйлаб буюртмачилар — «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясига қаршли акциядорлик компаниялари, «Трансгаз» ташкилотлари ҳисобланади.

Муҳаббат ҲАБИБҮЛЛАЕВА



Козим Ўлмасов олган сурат

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ЎЗБЕКИСТОН – БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Тошкентдаги Темирйўлчилар марказий маданият саройида болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича 2011 йилги мавсум ташкилотчиларининг республика форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу форумда тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари, оромгоҳларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика комиссияси раиси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, ўғил-қизларнинг баркамол воғга етиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасидаги эзгу сазо-ҳаракатлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Бунда болаларни ёзги мавсумда соғломлаштириш, улар учун зарур шароит ва имкониятларни яратишга доир ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилда ёш авлоднинг ёзги ҳордик чиқариши юзасидан янги ёндашув асосидаги тизимли ишлар амалга оширилди. Дам олиш масканларига қамраб олинган болалар сони, соҳага оид ишларнинг сифати сезиларли даражада ортди. Ўзга 900 дан зиёд оромгоҳда 266 минг нафардан ортик ўғил-қиз дам олди. Вазирликлар, маҳаллий ҳокимликларнинг маблағи ҳисобидан қўшимча уч минг нафардан зиёд бола сўлим масканларга жалб этилди.

Мавсум давомида кам таъминланган, серфарзанд оилалар, Меҳрибонлик ўйлари, махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган ўғил-қизларни оромгоҳларга имтиёзли тарзда қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда 30 мингдан зиёд бепул йўлланма ажратилди. Пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги оромгоҳлар билан бирга Жиззах, Самарқанд вилоятларидаги дам олиш масканлари ҳам Оролбўйи ҳудудидаги ўқувчиларни қўшимча тарзда қабул қилди.

Бу йил юртимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилган йигирмага яқин «Меҳнат-ҳордик» оромгоҳлари юқори синф ўқувчиларида меҳнат кўникмаларини шакллантириш, муайян касбга йўналтириш имконини берган бўлса, кўплаб ҳарбий-спорт, йўналишидаги оромгоҳлар ўғил-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, иқтидорини ривожлантиришга хизмат қилди.

Айни пайтда дам олиш масканларидаги тарбиявий ишларнинг сифати ва мазмунини янада такомиллаштиришга эришилди. Болаларни соғломлаштириш билан бирга маънавиятини юксалтириш, улар қалби ва онгида эзгу ғояларни мустаҳкам қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида «Мустақиллик менинг тақдиримда» акцияси, санъат фестиваллари, ижодий кўрик-танловлар, кўргазмалар, учрашувлар ўтказилди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Кимёгар» оромгоҳида бу йил 1500 нафарга яқин бола дам олди. Оромгоҳ раҳбари Ойниса Мир-олимованинг таъкидлашича, ҳар бир болани соғломлаштиришга бўлган индивидуал ёндашув, маърифий-тарбиявий ишларнинг юқори даражада йўлга қўйилгани таътилнинг мазмунли ўтишида асосий омил бўлди.

Форумда юртимиздаги болалар оромгоҳларининг 2011 йилги фаолияти, бу борадаги ютуқ ва муаммолар, тўпланган ижобий тажриба атрофида тахлил этилиб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Тадбирда йигирмага яқин энг яхши болалар оромгоҳи, уларда меҳнат қилган соҳа ходимлари, ҳамкор ташкилотлар, тарбиячилар, етакчилар, педагоглар, спорт мураббийлари, ётуқарак раҳбарлари, шифокорлар ва бошқа мутахассислар Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика комиссияси томонидан таъсис этилган «Бахтиёр болалар мамлакат» махсус мукофоти билан тақдирланди.

Форумда санъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Назokat УСМОНОВА,
Ўза муҳбири

Ҳар бир давлатнинг ижтимоий, иқтисодий камолоти ёш авлоднинг қандай илм-ҳунар эгаллаганликлари ва сазо-ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, унинг келажагини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай орзуни амалга оширмақчи бўлган инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари – энг мўътабар зиёлилари, ҳукмдорлари ҳисобланганлар.

Юртбошимизнинг «Биз мустақиллик йилларида олдимизда турган энг устувор вазифа – соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу орзу-интилишларимизни рўёбга чиқариш, аваламбор юқори малакали педагоглар, устоз мураббийларга боғлиқ эканини чуқур англаган ҳолда, уларнинг давлат ва жамият курилишидаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, кадр-қимматини жойига қўйиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш жараёнида жойларда ва марказда кундалик муаммоларни маърифат аҳли билан бамаънаҳат ечиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганимиз албатта беҳиз эмас», деган пурмаъно фикрлари ҳозирги давр ўқитувчи, мураббийлари меҳнатига берилган юксак баҳо-дир.

Ҳар бир инсон дастлабки таълим-тарбия, касб-ҳунарни оиласида ўрганган экан, биринчи устозини ота-онаси, кейин тарбиячиси, бошланғич синфда сабоқ берган устози ва бошқа муаллимлари, мураббийлари деб ҳисоблайдилар.

ЖАМИЯТ,
УСТОЗ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД

Маълумки, оилада ота-она, ўқитувчи эса жамиятнинг ёш авлод таълим-тарбияси бўйича асосий ижрочиларидир.

Ўқитувчи ёки устозлик соҳасини танлаган кишида, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш, касб-ҳунар ўргатиш ишини самарали бажариши, ота-оналар ва болаларнинг иззат-ҳурматида сазовор бўлиши учун бу ишга лаёқат, қобилият, қизиқиш бўлиши лозим. Бу касбини танлаган киши аввало соғлом бўлиши, сўзларини тўғри ва яхши талаффуз қила олиши, асаблари жойида, вазмин, бағри кенг бўлиши зарур. Шунингдек, ўқувчи, талабаларни ёқтириши, улар билан ишлашга майли борлиги, мулоқотга киришимлилиги, ҳушмуомалиги, қузатувчанлиги, кенг фикрлай олиши, ўзига ва

бошқаларга нисбатан талабчанлиги ҳам педагоглик касбига бўлган мезонлардан-дир.

Мураббийлик — ёшларга ахлоқ-одоб, касб-ҳунар, илм-фан соҳаларини ўргатиш, санъат, спорт машғулотларига раҳбарлик қилиш фаолиятидир. Мураббийлик оилада, маҳаллада, таълим-тарбия, спорт муассасаларида, меҳнат ва жамоат ташкилотларида амалга оширилади.

Шарқда устозлар ва уларнинг меҳнатларига бўлган ҳурмат ва эҳтиром юқори бўлган. Буюк соҳибқирон Амир Темур васиятлари асосида Гўри Амир макбарасининг тўрида Амир Темурнинг ҳарбий юришларида унга устоз ва ҳамроҳ бўлган ва унинг юксак ҳурматини қозон-



Кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимиз эртанги кунининг пойдеворини яратаётган азиз устозларимизнинг кундалик олижаноб меҳнатлари олдида таъзим қилсак арзийди. Шоир айтганидек,

Шарҳлаб бермоқ учун меҳнатингизни,
Сизнинг бир соатлик заҳматингизни –
Қирқ минг чироқ билан кўп шамлар керак,
Қирқ баҳор, яна қирқ кўклар керак.

МАЪРИФАТ ЧАРОҒБОНИ

Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат чароғбонидир.
Алишер НАВОЙИ

Ана шундай бор куч-қувватини, меҳрини, вақтини ўз ўқувчиларидан аямайдиغان Холида Холматова Олмазор туман Халқ таълими бўлимига қарашли М.Қори-Ёқубов номли 25-болалар мусиқа ва санъат мактабининг миллий чолғу асбоблари бўлими бошлиғи, мактабининг энг илғор, болажонларнинг жонқуяр устозларидандир. Жорий йилда Холида Холматова юртимизнинг Энг улуг ва энг азиз байрами арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти «Шухрат» медали соҳиббаси бўлди.

1984 йил Тошкент Давлат консерваториясининг дутор чолғуси мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан таомилланган қаҳрамонимиз 1977 йилдан буён дутор чолғуси бўйича ҳозирга қадар машаққатли ўқитувчилик касбига фаолият юритиб, мана шу ўтган йиллар мобайнида жуда кўплаб шогирдларни тарбиялаб етиштирди. Мусиқа мактабида ишлаш билан бир қаторда тумандаги 4- ва 478-мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари орасида мусиқага иқтидор бўлган ўқувчилардан гуруҳлар ташкил қилиб, кўп овозли мусиқа ижроси тарғиботини йўлга қўйди ва мактаб ўқувчиларидан ташкил этилган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ишини янада жонлан-тирди. Унинг ижро репертуарини ўзбек, рус ҳамда чет эл компози-торларининг асарлари билан бойитди. 1999 йилда Холида опа шахар ҳокимлиги томонидан «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

– Асли орзуим шифокор бўлиш эди, – дейди Холидахон опа биз билан суҳбатда. – Дадам раҳматли ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетига педагогика-психология фанидан дарс берганлар. Шунданми, сендан шифокор чиқмайди, мусиқани яхшилаб ўрган, дердилар. Ҳақиқатан ҳам психологик жиҳатдан иқтидоримни сезган бўлса-лар керак, мана ҳозир кўриб турганингиздек, 34 йилдан бери мусиқа-дан дарс бераман. Бу йиллар мобайнида неча-неча болаларга мусиқа фанини жону дилим билан ўргатиб келдим. Шогирдларимнинг аксарияти ҳозир санъат сирларини ўргатиш йўлида мен билан елкама-елка фаол хизмат қилиб келмоқдалар. Улар билан фахрлан-май бўладими?! Иш фаолиятимни бошлаганимдан бери «Қалдирғоч» ёш дуторчилар гуруҳини ташкил қилганман. Болажонларнинг жажжи қўлчаларига мос ўлчамда чолғу асбоблари буюрттирдик. Бу гуруҳ ҳозирда туман, шахар ва республика миқёсида ўтказилган тадбир-ларда мунтазам иштирок этиб, кўпчилик санъат ишчибозларининг эътиборини тортмоқда.

Суҳбатдошимизнинг самимий сўзларидан, меҳр тўла нигоҳларидан шундай аёлнинг армони бўлмаса керак, деган фикр келди ҳаёлимиз-га. Мана шундай фидойи ва меҳрибон устозга минг бор таъзим айлассақда камдек, назаримизда.

Нигорахон ЗОКИРХОН қизи

МУАЛЛИМ
(Қасида)

Нечун пойларинга ҳатто жаҳонгир
«Бошимни қўйинг» деб васият
этмиш.
Нечун сенга шунча эъзоз ва фахр
Авлодлар бир умр ашъорлар
битмиш.

Алишер устозин «Маликул-калом»
Деб алқаб ўзи ҳам бўлибди
устоз.
Фозиллар тилида юрар бир калом
«Устоз учун жаҳон ҳаёда этсак оз».

Ҳа, балки бу сўзлар бутун юрагинг
Кимса бир мурғакка берганиндандир.
Ота бурчидан ҳам улуг тиланинг,
Меҳр сўз гавҳарин терганиндан-
дир.
Касбларнинг барчаси бизда
муқаддас

Лек бунга меҳнат-ла узатгучи сен.
Эзгу хаёлингга шогирд ҳар нафас
Истиқболин ўйлаб қузатгучи сен.
Чунки сен муаллим зероки, сенда
Инсоний қаср бор, гўё муҳташам.
Камтарлик, сахийлик одоб зиёда,
Шафқат ва ғамхўрлик унда
мужассам.

Меҳри сахий инсон, эй олижаноб
Беҳисоб ёш авлод илм сардори.
Юрагинг беғубор, чўнг
меҳринг офтоб,
Панд сўзинг ҳаётнинг бир
пойдевори.

Мағрур жаранглайди асрлар бўйи,
Фахрли бу номинг, бу касби
коринг.
Чунки ёнингдандир сен ила
хар дам,
Сендан ҳарф ўрганган саноқсиз
норинг.
Шукур ДАДАШ



Устоз – отангдек улуг. Ушбу пурмаъно сўзлар замирида ёш авлод қўлига илк бор қалам тутиб, сабоқ берган, келажакда унинг қандай инсон бўлиб етишишига тамал тошини қўйган устоз-мураббийларга бўлган катта ҳурмат ва эҳтиром бор.

ДИЛЛАР ЗАВҚҚА ТЎЛДИ

Кун кеча Яққасарой туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан «Устозга эҳтиром» мавзусидаги байрам дастури Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтказилди. Ушбу тадбирнинг ўтказилишидан асосий мақсад болаларга илк маърифат эшикларини очган, қўлларига қалам тутказиб, камолот сари етаклаган илму урфон боғбонлари бўлмиш азиз устоз ва мураббийлар меҳнатларини қадрлаб, эъзозлаб, эҳтиром кўрсатиб, байрам билан муборакбод этиш бўлди.

Байрамда Яққасарой туман мактабга таълим муассасалари мудирлари, тарбиячилари, ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқитувчи-муаллимлари, фахрий устозлар, Мустақиллик кўкрак нишонини олган йигирма нафарга яқин устоз-мураббийлар иштирок этишди.

Байрам иштирокчиларини Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова, Яққасарой туман ҳокими Валижон Муллажонов,

халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирини Умидбек Иброҳимовлар улуг айём билан қутлаб, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда таълим-тарбия, ёшлар камолотига қаратилган катта эътибор ва ғамхўрлик, бу борада қўл урилган катта ислохотларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек устоз деган улуг номга лойиқ бўлган устоз-мураббийларга хотир-жамлик, тинчлик-тотувлик, кейинги ишларида омад ва зафарлар тиладилар.

Тадбирда фахрий устозлар ва ўқитувчи-мураббийларга фахрий ёрлик, эсдалик совгалари ва гуллар топширилди.

Байрам иштирокчилари учун уюштирилган таниқли хонандалар, эстрада юлдузлари иштирокидаги концерт дастури ва Миллий академик драма театри актёрлари ижросидаги спектакль барчани ҳушнуд этди.

Ирода СОЛИХОВА,
Ўзбекистон Миллий университети
журналистика
факультети талабаси

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2011 йил 1 октябрдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди. Аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергияси нархи 91 сўм 10 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 45 сўм 55 тийин белгиланди. Тошкент шаҳар электр тармоқлари ОАЖ.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Жаҳон сайёҳлик кунига бағишланган фестиваль бўлиб ўтди. «Ўзбекитуризм» миллий компанияси ва мазкур университет ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда сайёҳлик соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилот ва идоралар, фирма ва компаниялар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

САЙЁҲЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

«Ўзбекитуризм» миллий компанияси раиси Р.Мирзаев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори Н.Жумаев ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислон Каримов раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини жадал ривожлантириш, юртимизга келаётган чет эллик сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилётган ислохотлар юксак самаралар бераётди.

Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти тобора юксалмоқда. Қадимий меъморий ёдгорликларимиз, маданиятимиз дурдоналари, бетакрор табиатимиз бутун дунёдан сайёҳларни жалб қилаётди. Юртимизда сайёҳлик инфратузилмаси ва сервис хизмати ривожланмоқда. Ушбу йўналишда кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро сайёҳлик факультети-

да сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида халқаро туризм ва менежмент йўналиши, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги касб-хўнара коллежларида меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши бўйича мутахассислар тайёрланаётгани бунинг тасдиғидир.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Буюк Британия, АҚШ, Миср, Канада, Греция, Италия, Россия, Украина каби мамлакатларнинг сайёҳлик соҳаси учун кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик ўрнатган.

«Ўзбекитуризм» миллий компаниясидан маълум қилишларича, 2010 йилда Ўзбекистонга 1,3 миллиондан зиёд сайёҳ келган. Бу 2009 йилга нисбатан 6,9 фоиз кўпдир. Жорий йилнинг биринчи ярмида юртимизда сайёҳлик хизматининг ўсиш суръати 27 фоиз,

сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажми эса 6,6 фоизни ташкил этди. Соҳада иш бошлаган янги хўжалик субъектлари сони ҳам ортиб бормоқда. 2011 йилнинг январь-июнь ойларида 71 сайёҳлик корхонаси ва 29 меҳмонхона ишга тушди. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳада 800 га яқин корхона, қарийб 300 меҳмонхона, 450 дан зиёд сайёҳлик оператори фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистонда йилнинг тўрт фаслида ҳам хорижлик меҳмон ва сайёҳларни қабул қилиш учун шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Мамлакатимизда спорт сайёҳлиги ва экотуризм ҳам изчил ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанги спортга қизиқувчилар кўпаймоқда.

Мазкур фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад туризм йўналишида тахсил олаётган ёшлар билан сайёҳлик соҳасида иш юритаётган ташкилотлар, фирма ва компаниялар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, фикр ва тажриба алмашишдан иборат.

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон ўзининг ноёб тарихий обидалари ва ёдгорликлари, гўзал табиати билан кўпга сайёҳлар эътиборини жалб этаётди, — дейди Индонезиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси иккинчи котиби Сри Индиях хоним. — Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўпга соҳалар қатори сайёҳлик йўналишида ҳам изчил ривожланаётгани бизни гоёт қувонтиради. Индонезияда юртингиз маданияти, тарихи ва бугунги билан танишишга қизиқиш катта. Мазкур фестиваль Ўзбекистон сайёҳлик бозори билан янада кенгроқ танишиш имконини берганидан хурсандимиз.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА муҳбири



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

МУАЛЛИМ ВА МАОРИФ ҲАҚИДА

Муаллим — жамият кўзгуси.
Муаллим — ҳаёт йўлининг сарбони.
Муаллим — муҳит боғининг боғбони.
Тарбиячи онгни онга улайди.
Ўқитувчи — талабанинг иккинчи ота-онаси.

Муаллим шундай мўтабар зотки, унинг олдида келмаган одам тўлақонли бўла олмайд.

Устознинг сўзи — мангу машъала.
Устознинг марҳамати — қуёшдек ҳаммага тенг.

Ўқитувчининг муомаласи ипак, талаби — тошдир.

Муаллимнинг қуёшдек тафти инсоният гулзорини қайта-қайта гуллатувчидир.

Ўқитувчининг таълими — инсониятга ёруғлик.

Ўқитувчи дилидагиларни дилларга ўтказиб қўювчи кўприқдир.

Муаллим — боладаги эътиқодни шакллантирувчи шахсдир.

Маорифчи ёлгон билан келиша олмайд.

Чиганоқ тарбияси қатрани дур қилган.

Келажак кўп жиҳатдан маорифга боғлиқ.

Маориф — жамиятнинг безаги.

Маорифчи эътиқодидан огишмайдиган одам.

Ўрганувчига қараганда, ўргатувчига қийин.

Муаллим — билим булоғидир.

Меҳр ва шафқатга бой ўқитувчи кўп ютуққа эришади.

Муаллим — маънавий нуқсонсиз одамдир.

Талаба қалбига йўл топиш — маҳоратдир.

Эл гоёсини маориф мустаҳкамлайди.

Жамиятнинг мазмунини маорифга боғлиқ.

Маорифсизлик — ваҳшийликдир.

Ўқитувчининг муҳитга таъсири унинг фаолиятига боғлиқ.

Ўқитувчининг меҳнати — сув музни авайлаб бошига кўтариб, аста-секин эритишига ўхшайди.

Яхши ўқитувчи талабасининг кўлидан ушлаб, паст-баландликлардан олиб ўтади.

Фан чўққиларига интилган талаба — ўз ўқитувчисини, албатта, эъзозлайди.

Ўқитувчининг меҳри ҳар қандай қахрдан устун.

Ўқитувчининг меҳри иситади, қахри — жунжитади.

Муаллимнинг билимдан ҳам тадбири кўп.

Устознинг умри мангу, чунки шогирдлари унга уланадилар.

Яхши устоз — номарддан ҳам мард ясайди.

Одобли болани ҳамма яхши кўради, ўқитувчи эса одобсизни ҳам меҳри билан яхшилар қаторига қўшади.

Барча билан тил топишиш маҳоратдир.

Тарбиячиликка — истеъдод, меҳнатсеварлик ва билим керак.

Яхши ўқитувчи ёмонлик билан асло чиқиша олмайд.

Миллатни миллат қиладиган — ўз маорифидир.

Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 11-16, кундузи — 25-30 даража иссиқ бўлади.

Ўзйирымнинг мониторинг хизмати маълумотиغا кўра 1 октябрь кун Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратмади. Атмосферанинг инфосланиши даражаси пасайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

Республика ҳудудиди вақти-вақти билан ҳаво бироз ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмади.

Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

Ўзйирымнинг мониторинг хизмати маълумотиغا кўра 1 октябрь кун Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратмади. Атмосферанинг инфосланиши даражаси пасайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

Республика ҳудудиди вақти-вақти билан ҳаво бироз ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмади.

(Газетанинг навбатдаги сони 4 октябрда чиқади).

САНЪАТ ҲАФТАЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Пойтахтимизда 23-28 октябрь кунлари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг энг йирик маданий-маърифий лойиҳаси — «Art Week Style.Uz-2011» санъат ҳафталиги бошланади.

Унда мамлакатимиз ва хорижлик рассомлар, фотохудожорлар, дизайнерлар, санъатшунос олимлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этади.

Анъанавий «Art Week Style.Uz» ҳафталиги доирасида жорий йилда ҳам турли концертлар, кўрсаткичлар, танловлар, тақдимот маросимлари, илмий-амалий анжуманлар, миллий либослар фестивали, ижодий учрашувлар, жаҳоннинг номдор моддалар ўйи коллекциялари намойиши, иқтисодий акциялар, маҳорат сабоқлари ўтказилиши режалаштирилган.

Кўргазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, юртимиздаги ёш ижодкорлар, рассомларда ноанъанавий дунёқараш ва реал ҳодисаларга ранг-баранг ёндашувларни шакллантириш, янги талқин этиш кўникмаларини янада ривожлантиришдан иборат. Бу ерда тасвирий санъатнинг турли йўналишлари билан бирга видеоарт, инсталляция каби замонавий санъат соҳасида ижод қилаётган ўнлаб ёш истеъдод соҳибдорларининг асарлари ҳам намойиш этилади.

Истиклол йилларида барча соҳаларда кўлга киритилган улкан ютуқлар — халқимизнинг осяишта ва фаровон ҳаёти, асарларга татиқлик бунёдкорлик ишлари, яратувчанлик салоҳияти, кадр топаётган бебаҳо маънавий меросимиз мазмун-моҳияти билан хорижликларни ҳолис ва ҳаққоний таништиришда фото санъатининг аҳамияти беқиёс. Халқаро ҳафталикда иштирокчилар замонавий фото санъатининг ҳам энг сўнгги муваффақиятлари билан танишиш имкониятига эга бўлишади.

Ўтган йиллар давомида «Art Week Style.Uz» санъат ҳафталиги доирасида Ёшлар ижод саройида «Underground» — Ўзбекистонлик ёш дизайнер ва модельерлар томонидан яратилган либослар намойиши, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Аристотел жумбоғи» мавзусида кўргазма ўтказилган эди. 2010 йилда «TashkentALE» бешинчи халқаро Тошкент фото-бийенналесига юртимиз фотосуратчилари билан бирга, АҚШ, Аргентина, Бангладеш, Венгрия, Франция, Россия, Украина, Италия, Канада, Озарбойжон, Швеция, Чехия, Литва, Эрон каби давлатларнинг энг моҳир фотографлари томонидан икки мингдан зиёд ижодий иши тақдим этилган эди. Улардан саккиз юзга яқини Тошкент ва Самарқанддаги музейлар, тасвирий санъат галереялари ва кўргазма залларида намойиш этилган. Бу сафар олтинчи мартаба ўтказилаётган мазкур санъат ҳафталигида кўпга янги лойиҳалар намойиши, концерт дастурлари, кўргазма, мода ва либослар намойиши ўтказилади.

Анъанавий ўтказилаётган ҳафталик мода ва дизайн соҳасида изланаётган, ўз услуби ва йўналишига эга ижодкорларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, юртимиз ва хорижлик мода мутахассисларига таништиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Тошкент давлат санъат институти магистранти Лола Ҳакимова «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Қувонарлиси, юртимиз фотосуратчиларининг кўпга асарлари халқаро кўргазмалар ва кўрик-танловларда юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Хар йили ушбу санъат ҳафталигида фаол иштирок этаман. Мазкур халқаро кўргазма биз ёш ҳаваскорларга ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, замонавий фотография санъатининг сўнгги янгиликларидан бохабар бўлишда яна бир қўлай имконият яратади.

Азима ҚИЁСОВА

Uzkimyosanoat

«ЎЗКИМЁСАНОАТ» давлат акциядорлик компанияси ходимлари

азиз ҳафта ва мураббийларни кўпайиб айём — 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кўни билан бир қанчалар мураббийлар эътибори.

Баргаришга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ёш авлодга таълим-тарбия бериб, катталик сўзларини йўлидаги эзгу ишларини эътиборга олади.

Меҳнат фаолиятини эътиборга олади.

«Жаҳон чемпионати — 2011»

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ БОКУДАГИ ҒАЛАБАЛАРИ

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида давом этаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз ҳам совринли ўринлар ва келаси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун рингга чиқмоқда.

56 килограмм вазн тоифасидаги бахсларда АИВА президенти кубоғи соҳибни Орзубек Шоймов украинлик Микола Буценко устидан зафар кучди. Орзубек навбатдаги жангда венесуэлик Анхел Родригес билан беллашади.

Мусобақада ўн вазн тоифасида чорак финалга чиққан боксчиларга олимпия йўлланмаси берилади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

БОЛЬШАЯ РАЗНООБРАЗНАЯ ЦИРКОВАЯ ПРОГРАММА

ШИРК

В СУББОТУ И ВОСКРЕСЕНЬЕ НАЧАЛО В 15:00

Касса: Тел.: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.
www.sirk.uz

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2970 нускада босилади.
Котаж бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Ширк» нашрий-матбоа акциядорлик компанияси босмоқчиси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.